

№1-2311-2501/58

Апелляция инстанциясида
маърузачи судья А.Сафаров

Биринчи инстанция судининг
судьяси Р.Бекмуратова

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ
БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2025 йил 24 декабрь

Нукус шаҳри

Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов
ҳайъати, қуйидаги таркибда:

раислик қилувчи - ушбу суднинг судьяси А.Сафаров,
ҳайъат аъзолари - судьялар П.Дошмуратов ва Д.Разов,
судья катта ёрдамчиси А.Калеков ва А.Абдуреимовларнинг котиблигида,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим прокурорлари
А.Ниязымбетов ва С.Бекмуратов

таржимон Д.Давлетова,
судланган XXX ва унинг ҳимоячиси адвокатлар А.Жанибекова,
Ж.Хошанова ва С.Рамбергеноваларнинг иштирокида,

жиноят ишлари бўйича Кегейли туман судининг XXX, YYY ва ZZZларга
оид жиноят иши юзасидан 2025 йил 27 октябрь куни чиқарилган ҳукми устидан
судланган XXX ва унинг ҳимоячилари томонидан берилган шикоятларига
асосан, жиноят ишини очиқ суд мажлисида, апелляция тартибида кўриб чиқиб,
қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Суднинг ҳукмига кўра,

20.08.1976 йили Амударё туманида туғилган, Ўзбекистон
Республикаси фуқароси, миллати татар, маълумоти олий, “XXX”
МЧЖнинг таъсисчиси, муқаддам ЖИБ Нукус шаҳар судининг
16.08.2024 йилдаги ҳукмига кўра ЖКнинг 202-моддаси 3-қисми “д,е”
бандлари билан 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси
тайинланиб, Қорақалпоғистон Республикаси суди ЖИБ судлов
ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2025 йил 11 май кунги ажрими
билан 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига
ўзгартирилган, оилали, 3 нафар фарзанди бор, XXXX-уйда яшайди,
13.06.2025 йилда муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт
чораси қўлланилган, айблов далолатномасини 2025 йил 17 август
куни олган XXX

Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддаси 2-қисми "а,б" бандларида назарда
тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, унга ушбу модда
билан ҳар ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) фоизи миқдорини давлат фойдасига ушлаб
қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг
16.08.2024 йилдаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталган қисми ЖК
59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида қисман қўшиш йўли билан узил-

кесил 5 (беш) йил 8 (саккиз) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукми билан ҲҲҲ ва ZZZлар ҳам судланган бўлиб, улар томонидан шикоят берилмаганлиги ёки прокурор протест келтирмаганлиги сабабли ишнинг уларга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Суднинг ҳукмига кўра, XXX 29.08.2016 йилда “XXX” МЧЖни ўзининг таъсисчилигида ташкил қилиб, сўнгра ушбу жамиятни ўзи норасмий равишда бошқариб келиб, фаолияти давомида ноқонуний йўллар билан моддий бойлик орттиришни режалаштириб, қонун билан ўрнатилган ва жамиятда қарор топган қоидаларни очикдан-очик менсимасдан ҳамда уларга риоя этмасдан, ўзининг шахсий манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўйиб, фаолияти давомида бир гуруҳ шахслар билан, яъни жамиятнинг расмий раҳбари ҲҲҲ, ҳисобчи ZZZ ва бошқалар билан жиноий тил бириктириб, аслида жамият томонидан 2021 йил давомида жами 34 млрд. 602 млн. 135,3 минг сўмлик ҳаражат қилинган бўлсада, яъни сарфланган хом ашё ва материаллар учун 10 млн. 870,0 минг сўм, ёқилғи учун 128 млн. 559,0 минг сўм, суюлтирилган ва табиий газ учун 199 млн. 991,9 минг сўм, электр энергияси учун 81 млн. 955,7 минг сўм, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий солиқлар учун 51 млн. 752,4 минг сўм, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизация (эскириш) учун 22 млн. 285,9 минг сўм ҳамда қайта сотиш учун сотиб олинган товарлар учун 34 млрд. 106 млн. 721,3 минг сўм жами 34 млрд. 602 млн. 135,3 минг сўм ҳаражат қилинган бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 223-моддаси бўйича, товарларни сотишдан (хизмат кўрсатишдан) олинган тушумни ҳисобот давридан кейинги даврга ўтказиш (сотиш ҳажмини ва даромадни (фойдани) қасддан камайтириш, моддий, ёқилғи-энергетика ресурслари ҳаражатларини (лимитларни) ва амортизация (эскириш) нормасини сунъий равишда ошириш ёки нормативларни нотўғри қўллаш) солиқ базасини яшириш деб эътироф этилишини билган ҳолда, ушбу талабларни бажармасдан 2021 йил якуни бўйича давлат солиқ инспекциясига тақдим қилган ҳисоботларида маҳсулотларни сотишдан тушган соф тушим 35 млрд. 917 млн. 109,9 минг сўм бўлиб, шундан ҳаражатлар 35 млрд. 777 млн. 928,2 минг сўмни ташкил қилиши, шу сабабли солиқ солинадиган фойда 139 млн. 421,7 минг сўм деб, яъни ҳаражатларни 1 млрд. 175 млн. 792,9 минг сўмга кўпайтириб кўрсатиш орқали сохта ҳисобот топшириб жами 176 млн. 368,9 минг сўмлик кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Шунингдек, судланувчи XXX такроран юқоридаги жиноятларни давом қилдириб, яъни “XXX” МЧЖни норасмий равишда бошқариб келиб, фаолияти давомида ноқонуний йўллар билан моддий бойлик орттиришни режалаштириб, қонун билан ўрнатилган ва жамиятда қарор топган қоидаларни очикдан-очик менсимасдан ҳамда уларга риоя этмасдан, ўзининг шахсий манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўйиб, фаолияти давомида бир гуруҳ шахслар билан, яъни жамиятнинг расмий раҳбари ҲҲҲ, ҳисобчи ZZZ ва бошқалар билан жиноий тил бириктириб, аслида “XXX” МЧЖ ҳисобида ҳеч қандай темир маҳсулотлари бўлмаса-да, гўёки темир маҳсулоти сотиш учун “Ўзметкамбинат” АЖ билан 01.11.202 йилдаги 37/01-442-сонли шартномани тузиб, сўнгра ушбу

шартнома шартларини гўёки бажарган қилиб кўрсатиш учун, “NEKON LARGE LOGISTIC” МЧЖдан 2022 йил 2-10 ноябрь кунлари 1 500 тонна ҳамда “KRISTALL BEKOBOD” МЧЖдан 870 тонна темир маҳсулотлари сотиб олинганлиги тўғрисидаги ҳисобварақ-фактураларни сохталаштириб, сўнгра аслида олиб келинмаган темир маҳсулотлари, кейинчалик “Ўзметкамбинат” АЖга сотилганлиги юзасидан ҳам сохта ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштириб, 2022 йил якуни бўйича давлат солиқ инспекциясига тақдим қилган ҳисоботларида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 223-моддаси бўйича, (юкларни товар-кузатув ҳужжатларини расмийлаштирмасдан ёхуд сохта ҳужжатлар бўйича ташиш, товарлар (хизматлар) реализация қилинганлигидан далолат берувчи ҳужжатларни алмаштириш, сохталаштириш ёки йўқ қилиш ҳамда қалбаки бирламчи бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланиш) солиқ базасини яшириш деб эътироф этилишини билган ҳолда, ушбу талабларни бажармасдан аслида сотиб олинмаган 6 млрд. 698 млн. 800,0 минг сўмлик маҳсулотларни ҳам ҳисоботларга киритган ҳолда жами 8 млрд. 132 млн. 643,1 минг сўмлик маҳсулот сотиб олганлиги, шу сабабли ушбу сотиб олинган маҳсулоти учун 1 млрд. 219 млн. 790,9 минг сўмлик қўшимча қиймат солиғини ҳам ўтказиб берганлиги, шунингдек ушбу аслида сотиб олинмаган 6 млрд. 698 млн. 800,0 минг сўмлик маҳсулотлардан, 6 млрд. 530 млн. 982,5 минг сўмлик маҳсулотларни ҳам ҳисоботларга киритган ҳолда жами 7 млрд. 101 млн. 337,5 минг сўмлик маҳсулот сотилганлиги сабабли жамиятга ҚҚС учун 1 млрд. 65 млн. 208,1 минг сўм келиб тушганлиги, шу боис жамият томондан ортиқча тўлганган 154 млн. 107,0 млн. сўмлик қўшимча қиймат солиқни бюджетдан қайтарилиши лозимлиги тўғрисида сохта ҳисоботлар топшириб, шу миқдордаги қўшимча қиймат солиғини бюджетдан қайтарилишига эришиб, давлат манфаатларига 154 млн. 107,0 минг сўмлик кўп миқдорда зарар етказган.

Судланган ХХХ ўз шикоятда ўзи солиқдан бўйин товлаш жиноятининг субъекти ҳисобланмаслиги, солиқ текшируви далолатномаси муддати ўтиб кетганлиги, биринчи инстанция суди ишни ЖПК нормаларини кўпол равишда бузиб охирги сўзини ҳимоячиларсиз эшитганлиги ҳақида важлар келтириб, ўзига нисбатан ишни тугатишни сўраган.

Судланган ХХХнинг ҳимоячилари шикоятларида ХХХ содир этилган жиноятга даҳли йўқлиги, солиқ текшируви Солиқ кодекси талаблари бузилган ҳолда ўтказилганлиги, биринчи инстанция суди маслаҳат сирини бузганлиги ҳақида важлар келтириб, ишнинг ХХХга оид қисмини тугатишни сўраган.

Судлов ҳайъати, суд мажлисида маърузачи судья А.Сафаровнинг маърузасини, прокурорнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, ҳимоячи адвокатнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини, тарафларнинг музокара сўзларини, судланганларнинг охирги сўзини тинглаб, жиноят иш материалларини шикоятлардаги важлар билан бирга қўшиб текшириб ва уларга баҳо бериб, қуйидагиларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришни, шикоятларни қаноатлантиришдан рад қилишни лозим топди.

Биринчи инстанция суди томонидан иш юзасидан исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиб, ишнинг ҳақиқий ҳолатлари аниқланган, ХХХнинг айби ишдаги

мавжуд ва судда аниқланган ҳолатларга кўра тасдиқланиши ҳақида тўғри хулосага келинган.

XXX ва унинг ҳимоячилари томонидан берилган шикоятларидаги содир этилган жиноятга даҳли йўқлиги ҳақидаги важлари судланган YYYнинг ва судланган ZZZларнинг дастлабки терговдаги ва суддаги кўрсатувлари, шунингдек, гувоҳ А.Қалжановнинг тергов ва суддаги кўрсатувлари билан тўлиқ инкор этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 31.05.2013 йилдаги “Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 8-сон қарорининг 2-бандида “Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 174-моддасининг биринчи қисми, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 184-моддасининг биринчи қисми диспозициясига мувофиқ солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш деганда, фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бошқа тарзда қасддан бўйин товлаш тушунилиши лозим. Фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш — бу давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган тегишли солиқ ҳисоботи ҳужжатларида фойда (даромад) олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан кўрсатмаслик, шунингдек, улар мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни яшириш мақсадида фойда (даромад) келиб тушишини ҳисобга олиш тартибини бузиш. Фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни камайтириб кўрсатиш давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган солиқ ҳисоботи ҳужжатларида солиқ солинадиган объект миқдорига оид ахборотни бида туриб пасайтириш (камайтириш) томонига ўзгартиришда ифодаланади...” деб тушунтиришлар берилган. Иш ҳолатларига кўра, XXXнинг “XXX” МЧЖ олган фойдасини камайтириб кўрсатиш мақсадида МЧЖ ҳаражатларини сунъий ошириб кўрсатган.

Судлов ҳайъати, юқоридагиларга кўра, биринчи инстанция суди томонидан XXXнинг 2 та эпизодда кўп миқдордаги солиқ ва йиғимларни тўлашдан бўйин товланган жиноий қилмишлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди. Лекин, содир этилган жиноий қилмиш ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига кириши ва ЖК 64-моддасига кўра бундай жиноят учун XXXнинг жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги биринчи инстанция суди эътиборидан четда қолган.

Юқоридагиларга асосан, судлов ҳайъати, биринчи инстанция суди ҳукмининг XXXга оид қисмини ўзгартириб, уни ЖК 64-моддасига асосан жазодан озод этишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 497²⁶, 497³¹, 497³⁶-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

АЖРИМ ҚИЛДИ:

Жиноят ишлари бўйича Кегейли туман судининг ХХХ, УУУ ва ZZZларга оид жиноят иши юзасидан 2025 йил 27 октябрь куни чиқарилган ҳукмининг ХХХга оид қисми ўзгартирилсин.

ХХХ Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддаси 2-қисми "а,б" бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин ва у ЖК 64-моддасига асосан жазодан озод этилсин.

Ҳукмнинг ХХХга ЖК 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 16.08.2024 йилдаги ҳукми билан жазо тайинлаш қисми чиқарилсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция шикоятлари қаноатлантирилмасин.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими устидан Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

А.Сафаров

Ҳайъат аъзолари

П.Дошмуратов

Д.Разов